



# Ishonch

Моҳият

Биз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Рағбат

## Дилларни ёритган нур



Эътибор ва эъзоз — қалб озиғи. Бир оғиз ширин сўз, арзимаган тўхфа кишига қанчалар кўтаринки кайфият бағишлайди. Бу эзгу анъана «Инсонга наф келтириш — oliy baxt» ширини дастуруламал қилиб олган касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланган.

Марказий кенгаш раиси Шавкатбек Қодиров тармоқ касаба уюшмаси фаолияти юзасидан сўз юритиб, шундай деди: — Мустақиллигимизни мустахкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган касаба уюшмаси аъзолари, фаолларимизнинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга сазовор. Бугунги кунда тармоқ касаба уюшмаси ишловчиларга яқин кўмакчи бўлиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш ва жадаллаштириш йўлидан бормоқда. Шунингдек, уларнинг оила аъзоларига гамхўрлик кўрсатиш, меҳнат фахрийлари, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, меҳнатқашлар ва уларнинг болаларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилапти.

Бу ишларни амалга оширишда тизимга қарашли вазирлик ва давлат кўмиталари, банклар ҳамда муассасалар билан тузилган 32 та тармоқ билишув, корхона-ташкилот ва муассасаларда имзоланган 2991 та жамоа шартномаси ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатларда ижтимоий ҳимоя, меҳнат муҳофазаси, маънавий-маърифий ва спорт масалалари тўла қамраб олинган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга сазовор. Хусусан, Марказий ва ҳудудий кенгашларга мурожаат этган кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи касаба уюшма аъзоларига бепул юридик ва меҳнат муҳофазаси бўйича маслаҳатлар бериб берилмоқда. Жамоа шартнома ва келишувлари орқали 102 та кичик бизнес субъектида 217 та кам таъминланган оилага 12690,4 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шу турдаги 53 та корхонада эса 247 та кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила фарзандларига дарслик ва ўқув қуроллари олиб берилди. Бундан ташқари, 1705 та бошланғич ташкилотда меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сайланиб, жамоа шартномаларида белги-ланган талабларнинг бажарилиши назорат қилинмоқда. Ез мавсумида 9753 нафар бола, жумладан, 1491 нафар ўғил-қиз оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди.

Бундай мисолларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Энг муҳими, буларнинг барчаси аъзоларнинг касаба уюшмасига ишончини мустахкамламоқда.

Тадбирда 69 нафар касабала

уюшма фаоллари ва аъзолари, шунингдек, тармоқ микёсида ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг 8 нафар ғолиби ва совриндорларига Марказий кенгашнинг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совгалари топширилди.

— Илгорлар сафида тақдирланганими нафақат фаолиятимизга берилган баҳо, эътибор ифодаси сифатида ҳам тушунидим, — дейди Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Умид Ибрагимов. — Мавсумият билан 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасига қўшимчалар киритилди. Ёзда ходимларнинг 200 дан зиёд фарзанди оромгоҳларда соғломлаштирилди. Банкнинг барча талабга жавоб берадиган соғломлаштириш-тиббий марказига эга. Бу ерда ходимларга барча шарафат яратилган бўлиб, малакали тиббий мутахассислари хизмат кўрсатади.

Ҳа, қалбда уйғонган кучли иштиёқ инсоннинг ҳаётига ҳам, фаолиятига ҳам қатта ўзгаришлар олиб киради. Тармоқ касабала уюшмасининг аъзолар кўнглида ана шу туйғуни аналгалитишга қаратилган эзгу сазай-ҳаракати кутилган самаранери бериши шубҳасиз.

Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ishonch» мухбири



## Велоспорт

### Соғлом жамият, мусарфро табиат



Велоспорт — нафақат тани чиниқтирадиган спорт тури, балки она табиат мусарфидолигини сақлаб қолишимизда муҳим ўрин тутадиган тарғибот воситаси ҳамдир. Кунни кеча Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бoshқармаси, шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, пойтахт велоспорт федерацияси ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб Алишер Навоий номидаги Миллий бoғ худудида «Вело-Тошкент — 2011» мусобақаси бўлиб ўтди.

(Давоми 4-бетда)

Ҳашар — элга ярашар

# Пахтакорга мададкоримиз

### Касаба уюшмалари томонидан теримчи ва ҳашарчилар учун муносиб иш ва дам олиш шароити яратиш, меҳнатини рағбатлантириш тадбирлари давом эттирилмоқда.



Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши шу йил сентябр ойи бошида пахта йиғим-теримида иштирок этаётган ҳашарчилар ўртасида «Ҳашарчиларга мадад» шиори остида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар режасини тасдиқлаган эди. Унга асосан касаба уюшма масъул ходимлари томонидан дала шийонлари, мослаштирилган биноларда зарур шароит яратиш ишларининг аҳоли кўздан кечирилиб, тегишли ёрдамлар берилди. Ҳашарчиларнинг сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши, санитария ҳолати, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши каби масалалар ҳам касабала уюшмаларининг диққат-эътиборида бўлди.

Терим учун меҳнат ҳақини вақтида ва тўлиқ тўлаши таъминланмоқда. Ҳашарчиларга шароит яратиш билан бирга уларни рағбатлантириш ҳам касабала уюшмалари томонидан четда эмас. Илгор теримчиларга эсдалик совгалари топшириш, улар меҳнатини юқори баҳолаш шулар жумласидан. Хусусан, касабала уюшма ташкилотлари теримдаги фаоллиги учун Бувайда туманидаги «Етти Сайёра» фермер ҳўжалигида ишдан бўш пайтда пахтакорларга кўмак бераётган ҳашарчиларга 225 минг сўмлик, Учкўприк туманидаги «Йўлдошбой» фермер ҳўжалигида ҳашарчилар сафида меҳнат қилаётган туман ҳақ таъминининг бир гуруҳ ходимларига 500 минг сўмлик эсдалик совгалари тақдим этди. Шундай рағбатлантирувчи совгалар Олтиариқ, Тошлоқ, Фарғона ва Қўштепа туманлари фермер ҳўжаликлариде пахта теримда ёрдам кўрсатаётган илгор ҳашарчи тиббий ходимларига ҳам топширилди.

Узбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касабала уюшмаси Марказий кенгаши масъул ходимлари йиғим-теримда иштирок этаётган қорақалпоғистонлик ва хоразмлик тармоқ ходимлари билан учрашиб, уларга яратилган шарт-шароитлар билан таништирди.

Соҳа ходимларининг кўрсатаётган хизмати муносиб баҳосини олди. Қорақалпоғистоннинг Амударё туманида ҳашарда иштирок этаётган 24 нафар, Хоразмнинг Янгибозор туманида пахтакорларга мададкор бўлаётган 60 нафар тармоқ касабала уюшма аъзоларига кўмак-баҳо совгалар топширилди.

Ҳашарчилар ҳузурига кўчма дўконларнинг ташифи яна бир қўлайлик бўлди. Учрашувдан моддий ва маънавий озуқа олган ҳашарчилар терим суръатини янада оширишга ваъда бердилар.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабала уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси Муяссар Раҳимова ҳар кунни пахтазорда бўлиб, нафақат соҳа ходимлари, балки илгор теримчиларга ҳам касабала уюшмалари совгаларини топширмоқда. Яқиндагина гурланлик ва шовотлик бир гуруҳ пахтакорлар ҳузурига бўлган кенгаш раисига кўнгирик қилганимда, Хонқа, Богот ва Хазорасп туманлари далаларида ҳосил йиғиштиришда кўмакдош бўлаётган теримчи-ю ҳашарчиларини рағбатлантиришга кетаётганлигини билдирди.

Касаба уюшмаларининг меҳр ва эътибори чексиз. Ундан барча аъзолар баҳраманд.

Ўз мухбиримиз

Самарқанд вилоят касабала уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан мавсум заҳматқашлари ҳар беш кунда муносиб тақдирланиб борилапти. Агроеконом мажмуи ходимлари Самарқанд вилоят кенгаши раиси Норхон Раҳматовга ҳамоҳлигида нарпайлик ғолиблар ҳузурда бўлди.

— Бир кунда 100-150 килодан ошириб пахта терайяман, — дейди моҳир теримчи Гулмира Ҳалилова. — Шу чоққача уйган хирмоним 2 тоннани қоралади.

Туманда Гулмиранинг сафдошлари кўп. Уларнинг фидойилиги туфайли терим жадал давом эттириляпти. Шароф Бобомуродов раҳбарлик қилаётган «Ҳосил механизатор» номили фермер ҳўжалиги жамоаси ҳам илгорлар сафида. Бу ерда ишлаётганлар учун иссиқ овқат ташкил этилган. Тарозига топширилган ҳосил учун даланинг ўзиде ҳақ тўлаб борилаётган экан. Шу кунни тармоқ касабала уюшмаси томонидан 12 нафар мавсум пешқадамлари рағбатлантирилди.

Оқдарё туманидаги Янгиқўрғон машина трактор парки мавсумда техник хизмат кўрсатишни намунали ташкил этмоқда. Манзилли хизмат, ҳосилни қабул пунктларига етказишда уларнинг олдиға тушадигани бўлмаяпти. Мазкур жамоа аҳли ҳам жамоат ташкилоти томонидан рағбатлантирилди. Шунингдек, оқдарёлик 7 нафар пешқадамларға ҳам совгалар улашилди.

Нуробод даштликлариде пахта етиштириш осон эмас. Аммо барча қийинчиликларға дош бераётган деҳқонлар бўш келишмаяпти. Тармоқ касабала уюшмаси томонидан теримда иштирок этаётган илгорлар тақдирланди.

— Утган ўн кунликда пахтакор ва уларға кўмакдош бўлаётган теримчиларнинг юздан ошиғини тақдирладик, — дейди АСМ ходимлари Самарқанд вилоят кенгаши раиси Норхон Раҳматов. — Бунинг учун тармоқ ва туман кенгашлари томонидан 3 миллион сўмдан ошиқ маблағ сарфланди.

Асил деҳқон меҳнати, заҳмати ўз қадрини топяпти. Бу эса уюла-жак хирмонларға барака киритиши шубҳасиз.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири



Муҳаббат ТўРАБОВА, «Ishonch» мухбири

1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

«Усто-шогирд» анъанаси кенг қулоч ёзмақда

Ҳар сафар устоз-шогирд муносабати ҳақида гап кетганда бир ҳикоя ёдимга тушади. Ёш йигит кекса устага шогирдликка тушибди. Устозидан касб сирларини обдон ўрганибди. Яхшигина хунарманд бўлиб етишиб, мустақил ишлаш бошлабди. Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан касодрога учрабди. Хафа бўлиб, бунинг сабабини отасидан сўрабди:

— Хунар ўргатган устозингнинг фотиҳасини олганмидинг? — дея савол берибди. Ўғил ҳайрон бўлиб елка қисибди. Шунда отаси: — Хозирқоқ устозингнинг олдига бор-да, фотиҳасини ол. Йўқса, минг уринганинг билан биринг икки бўлиши қийин, — дебди. Шу гапдан сўнг ўғил устозининг олдига борибди. У эса йигитни кулимсираб кутиб олибди-да: — Қайтиб келишингни билгандим. Тўғри, мендан касб сирларини ўргандиң. Лекин сен билиб қўйишинг керак бўлган гапларинг ҳам бор, — дебди-да, шогирдига инсоф, иймон ҳамда одамгарчилик ҳақида ҳикоятлар айтиб берибди. Кейин қўл очиб, шогирдига ок фотиҳа берган экан.

Ҳа, устоз отангдек улуг, деб беҳиз айтмаган халқимиз. Шу маънода Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Усто-шогирд» усулини жорий этиш борасидаги ишларда Ёшлар кенгашлари фаолиятини янада кучайтириш тўғрисидаги қарори аини мударо бўлди.

Ушбу муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда унинг тизимидаги ташкилотларда муайян ишлар амалга ошириляпти. Аини вақтда тармоқ тасарруфидидаги 17 та касб-хунар коллежида етук кадрлар тайёрланмоқда. Жорий йилда касб-хунар коллежларини 5034 нафар ёш битириб, ҳаётга йўлланма олади. Уларнинг 2661 нафари билан корхоналарда иш бошлашлари учун уч томонлама шартнома тузилган.

тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Уларнинг амалиёт ўташ вақтидаги фаолиятлари ҳар бир бошланғич ташкилот етакчисининг қатъий назоратида эканлиги эса муваффақият омилидир. Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчиларга зарур меҳнат шартнолари яратиш, уларни ишлаб чиқариш техникаси ҳамда технологик жараёнлари билан мукамал таништириш, жамоа шартномаларига касба уюшма ташкилотлари ва ҳўжалик органларининг моддий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иш ҳақи ҳамда ижтимоий тўловлар тўлашни киритиш ҳамда диққат-эътиборимизда. Шунингдек, иш ҳақи, таъсис этилган устама стипендияларини ўз вақтида берилишини таъминлаш, устозлар иш ҳақларига қўшимча ҳақ тўлашни масаласини белгилаш ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазафа.

Касб маҳорати ва устоз-мураббийлар ўртасида кўриктановлар ўтказилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Вазирилар Маҳкамасининг жорий йил 15 февралдаги йўғилиш баёғини қарорига кўра, «Ўзметкомбинат» очик акциядорлик жамияти касба уюшма ташкилоти тасарруфидидаги Бекобод саноат касб-хунар коллежи, Бекобод техника-иктисодиёт ва Бекобод тумани техника-иктисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётларини ўташлари учун иш жойлари аниқланиб, уларга малакали ишчилар бириктирилди. Уларнинг аксарият қисми диплом олишгач, шу ернинг ўзида ишга жойлашишади. Шунингдек, «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» тасарруфидидаги Олмалик кончилик коллежи, Намангандаги Поп кон-металлургия ҳамда Сурхондарёдаги (Денов ва Жарқўрғон) 2 та касб-хунар коллежи, Фарғона машинасозлик ва енгил саноат коллежида ҳам шундай тартиб ўрнатилган. Ушбу корхоналарнинг барчасида коллеж ўқувчиларини амалиёт ўташи, ўқишни битирганларидан сўнг шартнома асосида иш билан таъминла-

ниши, зарур меҳнат шартноларини яратиш, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва маиший кафолатлар яратиш тадориги аллақачон кўриб қўйилган. Амалиёт ўтаётган ўқувчиларнинг меҳнати учун махсус Низомига биноан ҳақ тўланмоқда. Масалан, «ЎзКоджи» ва «Анджонкабел» қўшма корхоналарида коллеж ўқувчиларига амалиёт вақтида иссиқ овқат ҳамда ойига ўртача 150 минг сўм атрофида маош белгиланган. Тармоқ корхоналарида амалиёт ўтаётган талабалар ҳамда ўқув масканларини тугатиб ишга жойлашган ёш ишчилар ўртасида турли маданий-маърифий, спорт тадбирлари ташкил этиляпти. Мустақилликнинг 20 йиллиги муносабати билан «Ўзметкомбинат» очик акциядорлик жамиятида «Мустақиллик тенгдошлари» мавзуида комбинат бўлинмаларининг 20 ёшли ходимлари ўртасида спорт-соғломлаштириш, бадий, мусикий, интеллектуал тадбир ташкил этилди. Бунинг учун касба уюшма ташкилоти ҳисобидан 4,5 миллион сўм сарфланди. Байрам олдидан «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» мавзуида комбинатнинг пўлат эритувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Олим Тўйчиев ҳамда бир қатор илғор ишчилар билан давра суҳбати ўтказилди.

«Усто-шогирд» анъанасини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш борасида айрим муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта. Корхоналарга бириктирилган коллеж ўқувчиларининг амалиёт ўташлари, ўқишни битириб келган ёш ишчилар учун муносиб иш ўринлари яратиш, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, уларни малакали ишчиларга бириктириб қўйиш каби масалалар баъзи корхоналарда тузилган жамоа шартномаларига киритилмаган. «Усто-шогирд» анъанасига бағишлаб кўрик-тановлар ўтказилмаяпти. Ёшлар бизнинг келажағимиз. Шу боисдан ҳам бу ишга масъул барча — устозим йўғи раҳбарим, масала моҳиятига юксак масъулият билан ёндашмоғи зарур. Чунки, ҳаммамиз ҳам ертмаизни фўзал, фаровон, ёшларимизни эса ўз касбининг устаси бўлишини истаймиз.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири

Бугунги кунда вилоятимизда 7 та академик лицей, 88 та касб-хунар таълими муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Мустақиллик йилларида 39560 ўқувчи ўринга эга 62 та ўқув юрти янгидан барпо этилди, 16630 ўқувчи ўринга эга 25 та ўқув юрти эса реконструкция қилинди. Ушбу таълим муассасаларида 90 минг нафардан ортик ўқувчи таҳсил олмақда.

Бўлажак мутахассисларга Ғамхўрлик

Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бирлашган касба уюшма кўмитаси 9 йил аввал ташкил этилган. Хозирги кунда бирлашган касба уюшма кўмитаси тасарруфидида 80 та бошланғич ташкилот бўлиб, 79927 нафар касба уюшма аъзоси ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга олинган. Бирлашган касба уюшма кўмитаси томонидан иш ҳақи, қўшимча ҳақ тўлаш, тармоқ хусусиятларидан келиб чи-

қиб, Меҳнат кодексидидаги тегишли моддалар бўйича ходимларнинг айрим тоифаларига имтиёз ва кафолатлар татбиқ этиш, иш ва ўқиш шартноларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш сингари масалаларни назорат қилиш борасида қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг шу даврига қадар тизимда фаолият кўрсатаётган 233 нафар кам таъминланган оила вакилларига 9 млн. 247 минг



Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат

сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, 24 нафар педагог-ҳодим сихатгоҳларда саломатлигини тиклади. Академик лицей ва касб-хунар коллежида таҳсил олаётган кам таъминланган, иқтидорли ва жамоатчи ўқувчиларнинг 25 нафарига касба уюшмасининг махсус

стипендияси берилмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик кўлами янада кенгайтириляпти. Абдурахмон БОЗОРОВ, Бухоро вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси



Суратда: А. Бердиев дарсада

Ўз касбининг устаси.

Шаҳрисабз туманидаги хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси, «Шўҳрат» медали соҳиби Абдураззоқ Бердиев ёш авлод қамали йўлида камарбаста бўлиб келаётган таълим фойдиоларидан бири. Узоқ йиллардан буён мазкур тизимда ишлаб, кўплаб ёшларга устозлик қилаётган А. Бердиев физика фани бўйича йигирмага яқин услубий қўлланма ва лаборатория ишланмалари муаллифи ҳамдир. У дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ўтишга, ўқувчиларнинг фани тўлиқ ўзлаштириши учун кургазмали қурооллардан, замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан самарали фойдаланади.

Жамшир НОРҚУБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Битирувчиларнинг ўз касбини чуқур эгаллашлари, иш билан таъминланишларида касб-хунар коллежлари, корхона-ташкilotлар ҳамда туман, шаҳар ҳокимиятлари ўртасида тузилаётган уч томонлама шартномалар аини мударо бўлди.

Ёшлар боғи

«Тошкент иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси Қийрай Энергетика касб-хунар коллежи билан мутахассислар етказиб бериш юзасидан келишувга эга. Жамоа шартномасига «Усто-шогирд» усулини жорий этиш, ёшлар учун қўшимча имтиёзлар банди киритилган бўлиб, жорий йилда битирувчилардан 55 нафари уч томонлама меҳнат шартномалари асосида ишга қабул қилинди. Жамоа шартномаси билан таништирилиб, ишчи-ҳодимлар учун мавжуд кулайликлар тушунтирилди. Корхонада 39 нафар коллеж ўқувчилари амалиёт ўталяпти. Амалиётчиларга энг кам иш ҳақи миқдорида маош тайинланган. Уларнинг турли байрам ва спорт тадбирларида фаол иштироки таъминланмоқда. Ёшлар хоҳишига кўра, мини-футбол, волейбол, шахмат, шашка, стол теннис ва сузиш бўйича мунтазам равишда мусобақалар ўтказилмоқда.

Маъмурият ва касба уюшмасининг қўшма қарори асосида коллежга ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқда. Жумладан, 12 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ўқувчиға ўқишни тугатгунга қадар стипендия белгиланган. Ўқувчилар турар жойини таъмирлаш учун қурилиш материаллари олиб берилди. Аини кунларда «Электр энергияси сарфини назорат қилиш ва ҳисобга олиш автоматик системаси» лабораториясини ҳамда ўқув стендларини ўрнатиш ишлари жадал давом этмоқда. Корхона бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси бўйича ўттиздан зиёд вакиллар иш олиб боради. Меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлик техникаси бўйича ўқув-семинар ёшларда катта таассурот қолдириди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб «20 туп кўчат — менинг тўғам» шiori остида ўтказилган тадбир чоғида 17200 та кўчат экилган эди. Шундан 2750 таси мевали, 14450 таси манзарали дарахлардир. Эътиборлики, бу тадбирда ёшлар ибрат кўрсатиши ва хозирги кунда бу кўчатлар гуркираб ўсмоқда. М. КОСИМОВА, «Тошкент ИЭС» УК касба уюшма кўмитаси раиси

Хунарли хор бўлмас

Уч йил олдин қад кўтарган Чироқчи касб-хунар коллежининг маҳобатли биноси узокдан кўзга ташланиб, эътиборингизни тортади.



RESPUBLICA RAJUVI NAVABOHLI TAHOVALARI KO'RIK FESTIVALI

2010-2011 ўқув йилида коллежни дастлабки қалдирғочлар битирди. Улар уч томонлама шартномага биноан тумандаги ташкилот ва фермер ҳўжаликларидида ишга жойлашди. Касабақўм раиси Рўзимурод Жовлиев тахрибали мутахассис. У ходимлар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш, улар ўртасида турли спорт тадбирлари ўтказиш масалаларида вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бирлашган касба уюшма кўмитаси билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйган. Фидойи мураббий Усан Ниёзов жисмоний тарбия ва спорт ишларига бошқоч. — Коллеж қурилгунга қадар меҳнатободлик ёшларнинг шахматдан ташқари бирор спорт туридан мусобақада қатнашиш тугул, шугулланишга ҳам имкони йўқ эди, — деди Усан Ниёзов. — Хозир кенг ва ёруғ спорт залимиз бор. Биласиз, халқимиз курашни се-

вади. Хозир машғулотларимга келадиган ёшларга қўлбола кураш гилами устида дарс ўтйпман. Агар коллежимиз кураш татамисига эга бўлса, албатта, бу заминдан донгдор полванлар етишиб чиқишига ишонаман. — Қувончлиси, ёшларимиз яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишяпти. Тикувчилик ишлаб чиқариш гуруҳида ўқийдиган қизимиз Гулжаҳон Жалилова «Ишбилармон ўқувчи» танловининг вилоят босқичида фаол иштирок этди. — дейди коллеж директори Алишер Аҳмедов. — Фольклор жамоамиз эса «Болалар намунали ансамбли» танловида диплом билан тақдирланди. Коллежда маънавий-маърифий тадбирларга катта эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойик. Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб «Мен мустақил юрт фарзандиман» мавзуида энг яхши ишонлар, мақолалар, расилар, рефератлар, буклетлар, фотосуратлар танлови ўтказилди. Фолиблар маъмурият ва касба уюшма кўмитаси томонидан тақдирланди. Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ислоҳот меваси

Туманимизда истиқлол йилларида икхита янги мактаб барпо этилди. 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури асосида 44 та таълим муассасасида катта ҳажмда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Улар замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компютер, спорт анжомлари билан таъминланди. Таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар эса изчил давом этириляпти. 2 та мактабда реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Энг олис қишлоқ мактабларида ҳам физика, кимё, биология ва бошқа фанлар бўйича махсус лаборатория хоналари мавжуд бўлиб, компютер кириб бормаган мактаб қолмади. 100 нафарга яқин фарзандларимиз мамлакат ва вилоят миқёсидаги спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллашдиким, бунда Юрбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси фаолияти муҳим аҳамият касб этаётди. Жамгарма маблағи ҳисобидан замонавий спорт жаммаси бунёд этилди. 10 та мактабда спорт зали қурилди. 1 та мактабда

болалар спорт объекти реконструкция қилинган бўлса, яна бирида 244 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, спорт зали фойдаланишга топширилди. 8 та мактабда спортнинг нафис тури ҳисобланган қизлар гимнастикаси йўлга қўйилди. Юрбошимизнинг халқ таълими таракқиётига, маорифчиларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибори туфайли таълим-тарбия самарадорлиги муттасил равишда ортиб бораётгани хаётий ҳақиқат. Утган ўқув йилида 595 кишига устама ҳақ тайинланди. Касб маҳорати бўйича 467 нафар, синфдан ташқари ишлар бўйича 479 нафар педагог устама ҳақи олишди. Устаманинг ҳар икки туридан 351 нафар ходим манфаатдор бўлди. Утган ўқув йилида 2351 нафар ўқувчи 9-синфни тугатиб, яқуний аттестация натижаларига кўра, 2258 нафари оддий, 93 нафари олий шаҳодатнома олди. Улардан 112 нафари академик лицей, 1755 нафари коллежларда, 31 нафари вилоятдан, 455 нафари тумандан ташқаридаги таълим муассасаларида ўқимоқда. Абдурашид ЯҚУБОВ, Мингбулоқ туман таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси бирлашган кўмитаси раиси

Маънавият сабоқлари

Оммавий маданиятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши XIX аср охири ва XX аср бошларига тўғри келади. «Оммавий маданият» анъанавий маданиятнинг маълум йўналиши сифатида эмас, балки маданиятдаги сифат ўзгариши, ҳаёт тақозоси асосида юз берди. Оммавий ахборот ва коммуникация (радио, кино, телевидение, кўп нусхали газеталар, суратли журналлар, интернет) воситаларининг кескин ривож бунга сабаб бўлди. Маънавий бойликларни индустриал тижорат ишлаб чиқариши ва тарқатиши, маданиятни демократлаштириш, аҳоли билим даражаси ўсиши билан бир қаторда унинг маънавий эҳтиёжларида пасайиш жараёни кузатила бошлади.

«Оммавий маданият» нимма?



Тадқиқотчилар оммавий маданиятнинг дастлабки шакли сифатида XIX асрнинг 30-йилларида адабиётда пайдо бўлган ва оммалашиб кетган саргузашт жанрини кўрсатишди. Аср охирида ҳафталик оммавий ахборот воситалари ана шундай асарларни тинимсиз чоп этиш йўлини тугдлар. Вақт ўтиши билан ушбу жараёнга «Юрак матбуоти» ёки «Қалб индустрияси» деб ном бердилар. Аср охирида АҚШда оммавий маданиятнинг коммуникс шакли пайдо бўлди. Бу жанр бошда фақат болалар учун мўлжалланган бўлса, бора-бора катталар ҳаётининг ҳам ажралмас қисмига айланди.

Тадқиқотчилар оммавий маданиятнинг дастлабки шакли сифатида XIX асрнинг 30-йилларида адабиётда пайдо бўлган ва оммалашиб кетган саргузашт жанрини кўрсатишди. Аср охирида ҳафталик оммавий ахборот воситалари ана шундай асарларни тинимсиз чоп этиш йўлини тугдлар. Вақт ўтиши билан ушбу жараёнга «Юрак матбуоти» ёки «Қалб индустрияси» деб ном бердилар. Аср охирида АҚШда оммавий маданиятнинг коммуникс шакли пайдо бўлди. Бу жанр бошда фақат болалар учун мўлжалланган бўлса, бора-бора катталар ҳаётининг ҳам ажралмас қисмига айланди.

парламентни, Франция — маданият ва миллий республикачиликни берган бўлса, АҚШ — дунёга илмий-техника революциясини ва оммавий маданиятни тортиқ қилди». АҚШда бўш вақт, яъни дам олиш саноят асосига кўчирилган. Аҳолининг бадиий жиҳатдан унчалик юксак бўлмаган талабларини қондириш (ёки ушбу талабларни шакллантириш) мақсадида оммавий бадиий адабиёт (фантастика, саргузашт, бульвар адабиёти, «аёллар» романи) дунёга келди. Шунингдек, арзон-гаров жангари, триллер, мелодрама ва бошқа филмларнинг госяи ва ўлчами битта — одамларда америкача муносабатларни қарор топтириш; музика жанрида ҳам асосан ана шу мақсад кузатилади.

XX асрда жазинг юзага келиши ва ривожланиши дунё музика маданиятини ўзгариб юборди. Унинг томири негрларнинг анъанавий маданиятига бориб тақалади. Музикадаги ритмик паузларнинг кучайиб, пасайиб туриши қора танлиларнинг «спричүэсл», регтайм ва блюз каби ўзинга хос ўйинларини эслатиб туради.

XX асрда ўйин маданияти мислсиз миқёсда тарқалди. Жаҳонни эгаллади. У бўш вақтнинг ўтказиш воситасига айланди. Дансинг ва дискотекага сиғиниш юзага келди. Музика шаклининг ривожланиши, эскиларнинг йўқолиши ва ўйин-адабиётнинг кучайиб бормоқда. 1920 йилларда «Чарлстон» модада бўлса, кейинчалик унинг ўрнини «степ», «чечетка», жаздан ажралиб чиққан ирланд жигиси, кейинроқ, 50-йилларда «рок-н-ролл», 60-йилларда «шейк» ва «твист» хитга айланган «маданият»нинг таъминлашда барча воситалар иштирок этди: грампластинкалар чикарилди, телевидение ва радиомасхулотлар тарқатилди. Бу «оммавий маданият» тарқатилишидаги энг омадли тижорат лойиҳаси эди.

Диско ўйин йўналиши ҳозирги кунларимизгача етиб келди, у жуда оммавий бўлма-са-да, ҳали бор.

«Оммавий маданият» бугун иктисодиётнинг энг даромадли тармоғига айланиб бормоқда. Уни ҳозир «қизиқилар индустрияси», «тижорат маданият», «Поп-маданият», «бўш вақтдан фойдаланиш индустрияси» деб атала бошлади. Маълумки, меҳнатқашларнинг маълум қисмида бўш вақт сөрөб. Ана шу жараёнда ҳосил бўладиган муаммоларни ҳал этиш эҳтиёжи «оммавий маданият» юзага келтирмоқдаки,

бу айниқса, одамнинг онгига, яъни адабиёт ва санъатнинг барча турларига бевосита боғлиқдир.

«Оммавий маданият» бозордаги товарга айланган, муайян хусусиятлар касб этди. Аввало, у «оддий» (буни жўнлик деб атаса ҳам бўлади). Чунки кўпинча бундай махсулотлар «кўча одами»га мўлжаллангандир. Оммавий маданият ўз вази фасини тўла бажариши, яъни ишлаб чиқаришдаги асабийликларни олиб ташлаши учун у энг камида қизиқарли бўлиши лозим. Албатта, бундай маданий махсулотлар интеллеktуал жиҳатдан етарлича ривожланмаган одамлар эҳтиёжини қондириши мумкин ва инсон онги, кечинмаларига таъсир этади. Шунинг учун ҳам «Оммавий маданият»нинг энг қизиқарли ва ҳаммага тушунарли мавзулари — муҳаббат, оила, қарера, жиноятчилик ва ҳўрша, саргузашт, қўрқинч ва ҳўқазолардир.

«Оммавий маданият» байналмилал ва миллий бўлиши мумкин. Эстрада музикаси бунга мисол бўлади: у ҳаммага тушунарли ва барча ёшдагиларга, билим даражасидан қатъи назар, аҳолининг барча қатламларига қулай.

«Оммавий маданият»нинг бадиий қиммати ҳақ маданиятдан пастроқ бўлади. Лекин унинг аудиторияси кенгрок, чунки у муаллифли, у одамларнинг ҳозирги дақиқалардаги эҳтиёжини қондиради, ҳар қандай янги воқеа ва ҳодисаларга ҳўзиржавоб бўлади. Маълум вақт ўтгач, улар ўз долзарблигини йўқотади, эскиради ва модадан қолади. Юксак даражадаги асарлар ва халқ маданияти учун, яхшики, бундай қисмат бегона.

Ахборот технология воситаларининг кучайиб кетганлиги боис бўш, ўта савё маданият махсулотлари ҳам бозорга чиқаришмоқдаки, уларнинг кўпчилиги маънавиятни юксалтириш мақсадида эмас, балки тижорат мақсадида тарқатилмоқда. У саноят асосига кўчирилгач, ўртача, бўш оммавий маданият махсулотларини кўпайтириш ва сотиш бўйича қудратли тизим яратилди. Истаган дўкундан дунёнинг ҳар қандай хонанда ёки созанда ижро этган кўшиқ, клип аудиовидео-таъмасини топиш мумкин. Санъатга, оммавий маданиятга маъсулиятсизлик билан муносабатда бўладиган, енгилтеб ижод билан элга танилмеҳнатқашларнинг маълум қисмида бўш вақт сөрөб. Ана шу жараёнда ҳосил бўладиган муаммоларни ҳал этиш эҳтиёжи «оммавий маданият» юзага келтирмоқдаки,

рини истаганча реклама қилмоқдалар. Ёшлар эса ана шундай сийқаси чиққан, лекин маълум маънода «ўз аудиториясини топан», «санъаткорлар армияси билан юзма-юз турibdилар. Реклама — яратувчи куч эмас, балки у оммавий психологияни акс эттирувчидир.

Баъзан клипларда чиройли қизлар ва йигитлар нима дейётганлигини ўзлари ҳам тушу-

нишмайди. Қули музика садоси остида нималардир дейишади, машиналарга ўтириб, қаерларгадир боришади. Оммавий маданият махсули бўлган бундай «асарлар» миллат менталитетини пасайтиришга хизмат қилаётгани сир эмас. Реклама нима дейди? Бирорта ширин ичимликни истеъмол қилиб чексиз роҳат ва фароғат олиш мумкин. Бирор нарсага эришиш учун жон куйдириш, тер тўкиб, меҳнат қилиш шарт эмас, ичимликни сотиб олиш керак ва уни истеъмол қилиш керак. Ёки ёзиб олинган фонограммага мос қилиб, лабини қўмирилтиб туравериш керак, тамом-вассалом.

Энди улайиб жамиятга кириб келаётган ёшларга, ўсмирлар тарбиясига қайсидир маънода оммавий ахборот воситалари орқали узатилаётган «махсулот» савияси, савё қўшиқ, клип, кино, реклама роликлари ёки кўрсатувлар таъсир этмайди, деб ким кафил бўла олади? Оммавий ахборот воситалари орқали узатилаётган ана шундай «махсулотлар» ўз харидорлари (ёшларни) топмоқда ва албатта улар онгига салбий таъсирини ўтказмоқда. Демак, оммавий маданиятнинг юқоридоғи каби сийқаланиб, жўнлашиб бориши ҳаммаимизни оғоҳликка чорласи лозим.

Халқимизнинг бой ва узоқ тарихий тараққиёт йўлида бошидан кечирган ҳодисаларини ўрганиш, муаммолар ечимида улардан фойдаланиш, ибратли хулосалар чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Жадидлар ёндашуви жўн халқларни маънавиятга ҳўрмат билан қараш, фойдали отуқларни ўрганиш орқали миллатни юксалтириш, айна пайтда четдан кириб келаётган ҳар қандай таъсир воситасини, қадриятини жиҳдий таҳлил қилиш лозимлигини уқтиради.

Ҳа, юксак маънавият, аввало, ҳар бир инсоннинг одобида, халқнинг оруз-умидлари, ният ва интилишларида намоён бўлади. Эзгуликларни қадрлаб, рағбатлантириб, маънавий-ахлоқий қадриятларимизни асраб, ривожлантириб, адашганларни тўғри йўлга солиб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаб бориш барчаимизнинг эзгу мақсадиимиздир. Эеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «...Нобё инсоний фазилатларга, юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди, ўзининг эзгу мақсадларига албатта етади».

Ахрор ЭРҒАШЕВ, Республика Маънавият тарғибот маркази ижтимоий-сиёсий бўлим бош мутахассиси

Солиқ ва ҳаёт

Маъмурий чора кўрилди

Президентимизнинг «Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди қишлоқ хўжалик махсулотларини асоссиз равишда оширилган нархларда сотиш, чайқовчилик ҳолатларининг олдини олиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишини таъминлаш, бозорлар ҳамда савдо мажмуалари ҳудудида сифатсиз, контрабанда махсулотларини сотишга йўл қўймаслик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, айна шу йўналишда қатор чора-тадбирлар кўриляптир.

Жумладан, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда дехқон, буюм, ихтисослашган бозорларнинг паспортлари тайёрланди. Вилоят аҳолисининг арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик махсулотларига бўлган талабини тўла қондириш ҳамда бозорлардаги нарх-навоининг барқарорлигига эришиш мақсадида савдо ярмаркалари ўтказилмоқда. Масалан, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги байрами муносабати билан (махаллий ҳокимликлар томонидан марказлаштирилган ҳолда олиб келиниб) арзон нархларда 138,2 тонна ёки 553,1 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик махсулотлари сотилди.

Ўтказишдан бўйин товланган, 21 ҳолатда назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадида махсулотлар олинган ва қайта сотилган, яна 21 тасида эса дехқон бозорларида қишлоқ хўжалик махсулотларини сотиш қондалари бўзилган. Текширишлар натижасига қўра, ноқонуний тарзда савдога чиққан 38 фароғат фуқародан 19,7 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик махсулотлари олиб қўйилди ва суд қарорлари асосида давлат даромади ҳисобига ўтказилиб, арзон нархларда сотилиши таъминланди. Қонунбузарларга нисбатан маъмурий чора кўрилди.

Зафар САФАРОВ, Республика Давлат солиқ қўмитасининг бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси Навоий вилоят бўлими бошлиғи ўринбосари

Қонунийлик таъминланмоқда

Тошкент шаҳар Олмазор туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан савдо тармоқларида сифат сертификатларига эга бўлмаган озиқ-овқат махсулотлари сотилишининг олдини олиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

ДСИ ходимлари томонидан жорий йилнинг 1 сентябр ҳолатига чакана савдо шохобчаларида ўтказилган қисқа муддатли текширишлар натижасида 48 та ҳолатда қишлоқ хўжалик ва сифат сертификатларига эга бўлмаган ҳолда 164 млн. 429,8 минг сўмлик озиқ-овқат, ноозиқ-овқат ҳамда дори-дармон махсулотлари билан ноқонуний савдо қилиш ҳолати аниқланди.

Жумладан, «Одина Тохир бизнес» хусусий корхонасига қарашли савдо тармоғида ўтказилган қисқа муддатли текширишда 747,3 минг сўмлик озиқ-овқат махсулотларининг ҳеч қандай қишлоқ хўжалик ҳамда сифат сертификати йўқлиги ва 5 млн. 300 минг сўм савдодан тушган нақд пул банкка топширилмаганлиги аниқланди.

Худди шундай, «Hulkar YSD» маъсулият чекланган жамиятга қарашли савдо тармоғида ўтказилган текширувда 1 млн. 502,4 минг сўмлик озиқ-овқат махсулотларига қишлоқ хўжалик ва сифат сертификати йўқлиги ҳамда 196 минг 189,1 сўм савдодан тушган нақд пул банкка топширилмаганлиги аниқланди.

Ҳар икки ҳолат юзасидан тўпланган ҳўжжатлар ҳўқуқни муҳофаза қилиш идорасига юборилди ва ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Равшан ТАШМЕТОВ, Олмазор туман ДСИ бўлим бошлиғи ўринбосари

Электрон тизим — энг мақбул усул

Мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда бошқа турдаги хўжалик юритувчи корхона ҳамда ташкилотларнинг жойлардаги давлат солиқ идораларига тақдим этиладиган ҳисоботларини электрон тарзда қабул қилиш йўлга қўйилганлиги ташкилотлар учун яна бир қулайлик яратди. Бу эса хўжалик юритувчи субъект вакилларининг аввалгидек солиқ идоралари олдида узундан-узун навбат кутиш каби турли хил асаббўзарлик ҳолатларига барҳам берди.

— Айниқса, бу борада Вазирилар Маҳкамаси ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга кенг татбиқ этилганлиги туфайли соҳамизда ҳисоботларни электрон тарзда топшириш, интерактив хизматлар тизимини кенг жорий этиш имконияти пайдо бўлди, — дейди Тошкент шаҳар, Яккасарой туман Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи Абдуқодир Фуломов. — Бунинг натижасида бугунги кунга келиб, ҳудудимизда

фаолият кўрсатаётган 3503 та хўжалик юритувчи субъектларнинг 2011 таси ҳисоботлар ва ҳисоб рақамларини интернет орқали тақдим этиб келишмоқда. Шулардан 1894 таси ўзларининг электрон рақамли имзосига эга.

Айна пайтда замонавий электрон усулнинг афзалликларини хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида янада оммалаштириш мақсадида кенг қўламли тушунтириш ишлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Наргиза ЖўРАБЕКОВА

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «UZPROMASHIMPEKS» ДАТСКнинг 19.08.2011 йилдаги 42-П-сонли ва 13.09.2011 йилдаги 47-П-сонли буйруқларига асосан, «UZPROMASHIMPEKS» ДАТСКга тегишли Тошкент шаҳар Буюк Ипак йўли қўчаси, 75-уй манзилда сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) «Супер салон» русумли д/р 10 AZ 008 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 867 000 сўм. 2) «Тико» русумли, д/р 10 АК306 бўлган, 2000 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 839 000 сўм. 3) «Нексия Сонс» русумли, д/р 01 983 JBA бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 005 000 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 27 октябр кўни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққатига! Юқоридоғи автотранспорт воситалари 2011 йил 27 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 3 ва 10 ноябр кўнлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади. Юқоридоғи автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамши қўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 29.03.2011 йилдаги 07/36-106-сонли қарорига мувофиқ, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонасига тегишли Тошкент шаҳри, Истиклол қўчаси, 33-уй манзилда сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) «Нексия» русумли д/р 10 AP 394 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 266 193 сўм. 2) «УАЗ-3303» русумли, д/р 10 AG 050 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 836 212 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 31 октябр кўни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққатига! Юқоридоғи автотранспорт воситалари 2011 йил 31 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 7 ва 14 ноябр кўнлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади. Юқоридоғи автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамши қўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «Микрокредитбанк» ОАТБнинг 24.04.2011 йилдаги 30-1-сонли қарорига асосан, «Микрокредитбанк» ОАТБга тегишли Тошкент шаҳар Луфий қўчаси, 14-уй манзилда сақланаётган, «Нексия» русумли давлат рақами 10 BF172 бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 15 353 000 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 25 октябр кўни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққатига! Юқоридоғи автотранспорт воситаси 2011 йил 25 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий савдоси 2011 йил 1 ва 8 ноябр кўнлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади. Юқоридоғи автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгор савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамши қўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Тошкент шаҳар Ҳамма туман, Лисунова 4 маҳалли, 47-уй, 43-қошдаги лавоччи Квандиной О.А. номига берилган уй плагини ўзлаштириш сабабидан БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Тадбир

Эрта тонгда тоза ва озода кўчалардан ишга ё ўқишга шошиб кетаётганимизда бу юмушлар кимлар томонидан амалга оширилаётгани ҳақида уйлашга фурсат ҳам тополмаймиз. Ҳолбуки, бу ободлик ортида залворли меҳнат ётади.

Театрдан санаторийга

Тошкент шаҳар касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши шаҳар ҳокимияти ободонлаштириш бош бошқармаси билан ҳамкорликда Муҳимий номдаги ўзбек давлат мусиқий театрида ташкил этган «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» деб номланган маданий-маърифий кечага ўз меҳнати билан дилларга поклик, фараҳлик улашаётган шундай фидойилардан бир гуруҳи тақдир этилди. Истиклолимизнинг 20 йиллик тўйига муносиб уюштирилган тадбирда шаҳар ободонлаштириш, фуқароларга хизмат кўрсатиш, «Махсустрас» бошқармалари ишчи-ходимлари қатнашди. Шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи А.Ризашов мустақиллигимизнинг қўллуғ байрамини муносиб ўтказишда яқиндан ёрдам берган, шаҳар кўчалари, марказий хиёбонларни байрамга мос кўркамлаштириб, озодлиги учун жон куйдираётган ишчи-хизматчиларга ташаккур билдирди. Сўнг кечанинг асосий қисми — кўп йиллардан буён шаҳар ободлиги йўлида фидокорлик кўрсатиб келаётган ишчи-хизматчиларни тақдирлаш маросими бошланди. Йилгилардан 60 нафарига эсдалик совғалари ва сийқатгоҳларга бепул йўлланмалар тақдим этилди.

Кўнгил армони

1967 йили Тошкент Давлат тиббиёт институтини тугатган Бекпошша Саидова Янгиариқ туман марказий шифохонасида акушер-гинеколог вазифасида иш бошлади.

«Набиранг сени сўради...»

Тиббиёт соҳасидаги янгиликлар ҳали қишлоқ жойларига етиб бормаган, тиббий ускуналар етарли эмас, иш шароити ночор аҳволда эди. Аммо у матонат билан меҳнат қилди. Узоқ йиллик самарали меҳнати эвазига элда обрў-эътибор топди, ҳамкасбларининг ҳурматиға сазовор бўлди. Туғиш ёшидаги аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тарбия-ташвиқот ишларида жонбозлик кўрсатди. Айниқса, камқонлик касалига дучор бўлган аёлларни туғиш жараёни она учун ҳам, бола учун ҳам нақадар хавфли эканлигини аёлларга ташуунтиришдан эринмади. Туғиш пайтида кўп қон йўқотиб, ҳаёти хавф остида қолган қанча аёлларга ўз қонини бериб, уларнинг ҳаётини сақлаб қолганлиги тўғрисида ҳамкасблари ҳозиргача эслашади. Оилада ҳам саранжом-сарилта уй бекаси, кўлигул пазанда эди. Фарзандларини уйлй-жойли қилиб, неварасевиш бахтиға муяссар бўлди. Ҳаёт ташвишларини бир четга суриб, энди кексалик гаштини сураман, деганда дунёни тарк этди. Кенжа фарзандимизни уйлантириб, икки ойгина келинининг қўлидан чой ичди, холос. Уйимизнинг тўрида унинг расми осиглиқ турибди. Ҳамма қатори Бек-пешаға кўриш насиб этмаган кенжа набираси ҳам унинг расмиға узоқ тикилади. Бир куни ана шу набирам «бувим қачон келади, бобо?», деб сўраб қолди. Уни бағримға босиб, ёшли кўзларимни яширдим. Шунда юрагимдан бир иқдор отилиб қикди: — Бекпошша, сен кўролмаган набيرانг ҳам сени сўради. Фарзандларинг, набираларинг ва сени яхши кўрган инсонлар қалбида абадий яшайсан. Рухинг шод, охиратнинг обод бўлсин, азизам.

Каримбой СОБИРОВ, «Эхтиром» нишони соҳиби, касабаси уюшма фахрийси

Давоми. Боши 1-бетда

Веломарофонда 100 нафардан зиёд қатнашчи ўз омадини синаб кўрди. Айтиш лозимки, улар орасида Чилонзор тумани 534-мактабгача таълим муассасасининг тарбияланувчилари, ўсмир ва ёшлар, хотин-қизлар ва фахрий спортсеварлар борлиги тадбирға ўзига хос ёрқинлик бахш этди. Дастлаб уч оёқли велосипедларда беллашган 20 нафар ҳажжи спортчи галабаға бўлган иштиёқини намойиш қилди. Боланинг мағлуби бўлмади. Ташкилотчилар томонидан тақдим этилган совғалар ўсиб келётган ёш ниҳолларимиз қалбиға бир олам завқ, қувонч улашди. Шундан сўнг давралаган фахрийлар ёшлар учун ибрат бўлгулик беллашуларда ўзларининг нималарға қодирлигини намойиш этишди.

Бу спорт тури билан узоқ йиллардан бери шуғулланман, — дейди ёши улуг бўлса-да, ҳали ҳам бардам-бақуваат Олег Куткин. — Зеро, велоспорт билан барча ёшдагилар шуғулланиши, ўз саломатлигини тиклаши мумкин. Бугунги ўтказилган мусобақа эса барчамизға бирдай кўтаринки кайфият, галаба завқи, янги дўстлар туҳфа этди. Голиб чиққаним мўҳим эмас, мўҳими — иштирок, саломатлик. Веломарофоннинг кейинги босқичида хотин-қизлар ва ўсмир-ёшлар баҳсларға киришишди. У хар жиҳатдан тезлик,



Велоспорт соғлом жамият, мусарффо табиат

маҳорат ва эпчиллик синовиға айланди. Яқунда Олга Драбишова ҳамда Никита Абрамов барчадан кучли ва маҳоратли эканликларини амалда исботлашди. — Кейинги пайтларда юртимизда велоспорт жадаллик билан ривожланиб бормоқда, — дейди Олга Драбишова. — Бундан, албатта, хурсандимиз. Веломарофон ҳам ана шу мақсадға хизмат қилади. — Давлат миқёсида спортға берилётган эътибор самараси улароқ спортчиларимиз кўлга киритаётган галабалар кўнгилмизда фахр туйғуларини уйғотмай қолмайди, — дейди Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши раиси Баҳодир Бегимқулов. — Шу жумладан, велоспорт ҳам юртошларимиз ўртасида тобора оммаланиб бормоқда. Гувоҳ бўлаётганимиз велосмарофон ҳам келажакда юртимиздан жаҳон ва қитъа чемпионлари етишиб чиқишида мўҳим омил бўлишиға ишонамиз. Голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири. Игор ТЕНЬ олган суратлар

Муайтай

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида старт олган муайтай бўйича ёшлар, катталар ва хотин-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида терма жамоамиз аъзолари кўлга киритаётган натижалар муҳлису мутахассисларни ҳушнуд қилмоқда.



Олга юриш давом этмоқда

Мусобақанинг «А» гуруҳида иштирок этган Алижон Исроилов (91 кг.), Ислому Маърупов, ёшлар гуруҳидан Темуру Ҳамроев (40 кг.) Жаҳонгир Йўлдошев (51 кг.) барча рақибларини мағлубиятға учратиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номға сазовор бўлишди. Ёшлар ўртасида Самандар Туреунунов (60 кг.) Наим Тўхтабоев (63,5 кг.), Баҳром Ваҳобов (+ 91 кг.) чемпионатнинг қумуш медалларига сазовор бўлишди. Фирдавс Маннонов, Икром Абдухалилов, Султон Шаркаев ва Дишод Хусниддинов бронза медалига лойиқ кўрилди. «В» гуруҳида қатнашган Асқар Яллаев (60 кг.) Фирдавс Ҳошимов (57 кг.), Бекзод Жиянов (81 кг.), Жасур Мирзамухамедов (91 кг.), Илҳом Сотиволдиев каби тайбоксчиларимиз финалда ўз рақибларини мағлубиятға учратиб, олтин медални кўлга киритди. Бекзод Жиянов (81 кг.), Элдор Бағиров эса қумуш медал билан қифоланди. Равшан Қаҳҳоров, Бобур Жўраев ва Санжар Юсупов бронза медал билан тақдирланди. Мусобақа ўзининг янада қизгин палласига кириб бормоқда.

Теннис

Пойтахтимизда теннис бўйича ташкил этилган аънанавий «Tashkent Challenger» турнири ҳамюртимизнинг галабаси билан якулланди. Яққалик беллашуларидан иштирок этган теннисчимиз Денис Истомин финалда Эстония вакили Юрген Золпни икки сет натижасиға кўра — 6:4, 6:3 ҳисобида енгиб, навбатдаги галабасини нишонлади. Қайд этилган натижаға кўра, спортчимиз АТР рейтингида 125 очко ва 18 минг АҚШ долларини кўлга киритди. Унинг рақибси эса ўз ҳисобига 75 рейтинг очкоси ва 10,6 минг АҚШ долларини ёзиб қўйди. — Юртимиз кортларида ўтказилган мусобақада голиб чиққанимдан бахтиёрман. Тўғриси айтсам, турнир аввали мен учун бироз оғир кечди. Кейин ҳаммаси ўз изига тушиб кетди. Бу галаба менға нафақат рейтинг очкосини берди, балки кучиниға куч ҳам қўшди, — дейди чемпион. Эслашиб ўтамиз, Денис яқинда Самарқанд ва Истамбулда ўтказилган халқаро мусобақаларда ҳам зафар қўнганди.

Қойил, Денис!

Ўз мухбиримиз

Бадий гимнастика

Ульяна олимпиадаға боради!

Франциянинг Монпелье шаҳрида бадий гимнастика бўйича бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган 15 нафар спортчи қиз келгуси йили Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинлари йўлланмасини кўлга киритди. Мусобақада 108,375 балл жамғарган ҳамюртимиз Ульяна Трофимова бадий гимнастикачи қизларимиздан биринчи бўлиб Олимпия ўйинлари йўлланмасини кўлга киритди. Таъкидлаш ўридлики, 108,375 балл — Осиё бадий гимнастикачи қизлари шу пайтгача кўрсатган натижалар орасида энг яхшисидир.

Advertisement for 'Tashkent Challenger' tennis tournament. Text: Таълим, фран ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши Фидойи ўқитувчи ва мураббийларни касб байрами билан самимий муборакбод этади. Ёшларимизни маънан юксак, комил инсон этиб тарбиялашдаги, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши йўлидаги масъулиятми ва шарафли ишда уларға муваффақиятлар тилайди.

Advertisement for 'Halqaro Tinchlik Kuni' (International Day of Peace). Text: 21 сентябр — Халқаро тинчлик кунига бағишлаб пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Дунё менинг нигоҳимда» деб номланган ёш суратқашлар кўрғазмаси бўлиб ўтди. Жалқаро тинчлик кунни Фонд Форум, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари маркази, БМТ ахборот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу кўрғазмада 8 нафар ҳаваскор ва профессионал суратқашнинг 30 дан ортиқ ижод маҳсули жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Тадбирда ёш авлод учун яратилган энг яхши имкониятлардан бири, бу уларнинг тинчлик шароитида ўсиб-ульғаяётгани эканлиги алоҳида таъкидланди. — Мен илк мартаба бу каби кўрғазмада иштирок этяман, — дейди Тошкент Халқаро Вестминистр университети талабаси Дилафрўз Бердимбетова. — Суратларимда акс этган хотиржам нигоҳлар, қувончға тўла кўзлар, шўх-шодон болалар тасвири орқали тинчлик нақадар улуг нўмат эканлигини очиб беришға ҳаракат қилдим. Дарҳақиқат, тинчлик — азиз нўмат, бу каби тадбирлар эса уни қадрлаш ва эъозлашға чорлайди. Шохсанам НИЁЗОВА, ЎзДЖТУ талабаси

Advertisement for 'Ishonch' newspaper. Text: Insonga naf keltirish... Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi... Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov... Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovid MADIYEV... Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti, Huquq va xalqaro hayot, Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar... Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy... Nashr ko'rsatkichi: 133... A.Qodirova, A. Arslonov, S. Shodiyeva... Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullajilov... Tjorat materiallari... Bosishga topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 20.40... Buxorima G - 911... 13761 nusxada bosildi... 2 3 4 5